ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАБИБУЛЛО АБДУКАРИМОВ

# ДАРС ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ МЕТОДИКАСИ





Тошкент "Фан"-2009

Абдукаримов Ҳабибулло.

Дарс таҳлили ва унинг методикаси: (ўқув-услубий қўлланма) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Гулистон давлат университети. – Тошкент “Фан”-2009

Тақризчилар: психология фанлари номзоди, доцент Салаева М.С.,
педагогика фанлари номзоди, доцент Клименко И.В.

Ушбу методик қўлланма айнан замонавий дарслар ва уларга қўйиладиган талаблар асосида ўқитувчининг касбий маҳоратини таҳлил этиш йўл-йўриқларига бағишланган бўлиб унда замонавий дарсларнинг ташкилий шакллари, дарсларни ташкил этиш методикаси борасидаги фикр ва мулоҳазалар баён қилинган.

Қўлланма ўқитувчилар, узлуксиз таълим тизими раҳбарлари ва тадқиқотлар учун мўлжалланган.

Гулистон давлат университетининг Илмий-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

**МУНДАРИЖА**


1. Муқаддима........................................................................ 4 - бет

2. Дарснинг ташкилий шакллари.......................................... 6 - бет

3. Замонавий дарслар ва уларга қўйиладиган талаблар..... 7 - бет

4. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги................................. 9 - бет

5. Дарс таҳлили ва унинг методикаси.................................. 11 - бет

6. Дарс таҳлили дафтари...................................................... 25 - бет

7. Илғор педагогик тажрибалар............................................ 29 - бет

8. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати..

9. Иловалар........................................................................ 30 - бет

# МУҚАДДИМА

Дидактикада дарснинг ташкилий шакллари, ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги ва айниқса, дарс таҳлили ва унинг методикаси масаласига жуда кам эътибор қаратилган. Дарснинг самарали бўлиши мақсаднинг аниқ қўйилишига боғлиқ. Қўйилган мақсад эса моҳиятан ўқувчини (ёки талабани) мустақил фикр юритишга, мустақил изланиб билимларни эгаллайдиган даражага олиб чиқиши лозим. Амалдаги педагогика дарсликлари ва ўқув қўлланмаларида дарс таҳлили ва унинг методикаси алоҳида мавзу сифатида олиб қаралмаган. Шунга кўра, дарс таҳлилига бўлган ёндашувлар саёз бўлиб, илмий ва ўқув-методик талабларига тўлиқ жавоб беролмайди.

Маълумки, педагогика фанининг таркибий қисми сифатида айрим фанларни ўқитиш методикаси бир мунча эътибордан четда қолиб келмоқда. “Методика”ни “усул”, “услуб”, “усулиёт”, “Методика хонаси”ни “Услубхона” номлари билан юритиш ҳамон давом этиб келмоқда. Ваҳоланки, “усул”, “услуб” каби тушунчалар методикачалик тўлиқ маънони ўзида акс эттирмайди. Бу тушунчалар “методикани”ни тўлдирувчи, унга ёрдамчи вазифаларни бажаради. Айтайлик, ўқитувчи ўқувчини баҳолашда (баҳолаш методида) рағбатлантириш усулларини, бошқа метод элементларини қўллаши мумкин. Ёки таълимнинг муаммоли-изланиш методида муаммоли вазиятлар яратиш усулини қўллаш мумкин ва ҳоказо.

Моҳиятан, методикани нафақат фан, балки санъат даражасига олиб чиқиш лозим. Ана шунда “айрим фанларни ўқитиш методикаси” ўрнида “ўрганиш методикаси” вужудга келади. “Методист-ўқитувчи” “услубчи” дейилмайди.Ўқувчи ва талабани мустақил изланишга ундовчи, йўналтирувчи, нуфузли мутахассисга айланади. Инновацион фаолият асосида янги педагогик технологиялар таълим ва тарбия жараёнида самарали равищда татбиқ этилади.

Эзгу ишларга туғилган фидойи устоз-мураббийлар бўлади. Бундай инсонлар педагогик фаолиятининг ўзига хос бетакрор қирралари мавжуд бўлиб, ўзига хос инновацион ёндашувлар, услубий хусусиятлари алоҳида ажралиб туради. Бу жараён уларнинг бир томондан назарий билимларини пухталигида

кўринса, иккинчи томондан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиёт даражасига олиб чиқа олишда, инновацион технологиялар татбиқида, замон билан ҳамнафаслигида, руҳий-маънавий кўтаринкилик ҳамда фикрлар ифодасида чуқур фалсафий ҳамда илмий-ижодий умумлашмаларнинг бойлигида ўз эътирофини топади.

Маълумки, бадиий адабиётда янгиликни эскилик устидан тантанаси муаммоси кўпроқ кўзга ташланиб туради. Педагогикада эса ана шу “эскиликни” инкор этмаган ҳолда, яъни анъанавий ёндашувлар бағридан янгича ёндашувлар майдонга келади. Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар татбиқи фикримизнинг исботи ўлароқ, Гулистон давлат университетида самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ устоз-мураббийларнинг илғор педагогик тажрибалари дарс таҳлиллари натижасида ўрганилди ҳамда умумлаштирилди.

Ушбу методик қўлланма айнан замонавий дарслар ва уларга қўйиладиган талаблар асосида ўқитувчининг касбий маҳоратини таҳлил этиш йўл-йўриқларига бағишланган бўлиб, “рақобатдошлик”, “рақобатбардошлик” моҳияти ўз ечимини топа боради.

Қўлланма ўқитувчилар, узлуксиз таълим тизими раҳбарлари, талабалар ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

## ДАРСНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Дарс методи таълимнинг ички мазмун ва моҳиятини белгиласа, унинг ташкилий шакллари дидактик категория сифатида ташқи мазмунини англатади:

- ўқувчиларни ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳамда билим даражаларига мувофиқ синфларга ажратиш. Синф ўқувчиларини микрогуруҳларга бўлиш ёки ўқувчи билан якка тартибда машғулотлар олиб бориш;
- “ўқитувчи-ўқувчи” фаолиятини фаол “субъект-субъект” муносабати даражасига олиб чиқиш асносида ҳамкорлик, ҳамфикрликни таъминлаш;
- ўқувчиларни фаоллаштиришда уларнинг диққатини таянч тушунча ва ибораларга қаратиш лозим. Якуний хулосаларни ана шу таянч тушунчалар атрофида умумлаштириш;
- дарс мақсадига мувофиқ интерфаол метод, усул ва воситаларни танлаш ва улардан унумли фойдаланиш;
- ўртага ташланадиган ҳар бир саволнинг илмийлиги, мантиқийлиги ва дидактик талабларга жавоб беришига эътиборни қаратиш;
- вақт тақсимоти масаласига қатъий амал қилиш. 40-45 дақиқали ёки 80-90 дақиқага мўлжалланган жуфтлик дарсларда ўқувчининг мустақил билим олишига бўлган шарт-шароитларни яратиш. Қисқа вақтдан унумли фойдаланган ҳолда изланувчанлик,ижодкорлик, ҳозиржавоблик ва топқирлик масаласига асосий эътиборни қаратиш;
- техник ва технологик жараённи инсон салоҳияти билан уйғунлаштириб бориш. Янги педагогик технологиялар татбиқи асосида дарсларни лойиҳалаштириш ва шу асосда кафолатли натижаларга эришиш йўлларини излаш;
- ўқувчининг(талабанинг)соғлиғи, руҳий ва индивидуал имкониятлари билан бажариши лозим бўлган билимлар ҳажмини аниқлаш;
- ижодий муҳит яратиш асосида ўқувчиларни(талабаларни) рағбатлантириб бориш ва бошқалар;
- Назорат топшириқларнинг босқичма-босқич амалга ошириш асосида,ўзлаштириш динамикасини кузатиб бориш.Илм асосида билим беришга эришиш;

## ЗАМОНАВИЙ ДАРС ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Дарс ўқитувчининг илмий ва илмий- педагогик маҳоратини белгиловчи асосий мезондир.Бир соатлик дарс машғулотларини йирик санъат асарига қиёслашнинг моҳияти ҳам шунда. Ўқувчисига инсонпарварлик намунасини кўрсата олган, унинг меҳри ва ҳурматини қозона билган ўқитувчи устоз деган улуғ номга сазовор бўла олади.

Дарснинг ҳар бир дақиқасини бебаҳо билиб, ўқувчини фаоллаштира оладиган, унинг мустақил фикрини ўстириш орқали дарс мақсадига эришишга интилган ўқитувчи, вақтни тўғри тақсимлаш, дарс машғулотларининг ҳар бир қисмида кўргазмали воситалардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ўқувчида мантиқий тафаккурни ривожлантириш сари йўл оча боради. Изланувчан ўқитувчи таълимий мақсадни тарбиявий мақсад билан уйғунлаштира олади. Бундай изчиллик боланинг ақлий ривожланиши йўлида янги имкониятлар яратади.

Ўтган даврларда ҳам “замонавий дарс” тушунчаси қўлланилиб келинган. Бугунги кунда анъанавий педагогиканинг ютуғи сифатида янги педагогик технологиялар таълим жараёнига татбиқ этила бошланди. Шунга мувофиқ кафолатли натижага эришиш учун дарс мақсади илмий-методик талабларга мувофиқ аниқ қўйилган бўлиши лозим. Мақсадларни қўйиш усуллари:

- дарс машғулотининг илмий-методик хусусиятига кўра ўқитувчининг мақсади;
- ўрганиладиган билим мазмунига мувофиқ мақсадни белгилаш;
- ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти орқали мақсадни белгилаш;
- ўқувчининг индивидуал-психологик, интеллектуал ва шахсий ривожланиш қобилиятларига қаратилган мақсадни белгилаш.

Дарснинг самарадорлиги унинг илмий-методик мақсадга мувофиқ тарзда қурилиши, давлат таълим стандартлари(ДТС) билан дастур, дарслик, ўқув-методик мажмуалар орасидаги узлуксизликнинг таъминланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бундай узлуксизликни таъминламай туриб, таълим самарадорлигини ошириш, ДТСни амалиётга татбиқ этиш механизмини яратиш

мумкин эмас. Шунинг учун замонавий дарс ва унга қўйиладиган илмий талабларда:

1). Дарснинг аниқ қўйилган мақсадида кафолатли натижага эришиш ўз аксини топмоғи лозим. Демак, ҳар бир ўрганиладиган мавзуда тугалланган билим ҳажми назарда тутилмоғи ва бу билимлар аввалги билимларнинг мантиқий давоми бўлиши ҳамда қандай интерфаол методлар асосида ўқувчиларни (талабаларни) фаоллаштириш, мустақил билимларни эгаллаш йўл-йўриқларини ўзида акс эттириши;

2). Ҳар бир дарснинг ғояси нималарга мўлжаллланганлиги аниқ ўз ифодасини топмоғи керак. Илгари сурилган педагогик ғоя билан технологик изчиллик “ўқитувчи-ўқувчи”нинг фаол “Субьект-субьект” муносабатидаги уйғунликда ўз ечимига эга бўлиши лозим. Бунинг учун:

- ўқитувчи ўқувчига мустақил билим олиш йўлларини ўргатиши;
- ўқувчини аналитик таҳлил эта олиш, қиёсий тавсифлаш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқара билиш, қўлга киритилган далилларни тизим ҳолига келтириб умумлаштира олиш ҳамда амалда қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

3). Дарс машғулотида ўқувчилар(талабалар) кичик гуруҳларга ажратилиб, ноанъанавий ёндашувлар асосида муаммоли топшириқлар бериш орқали улрнинг билим даражаларини ошириб боришга эришиш;

4). Синф ўқувчиларига дифференциал ёндашиш асосида интеграл шаклдаги дарсларни, яъни бир соатлик дарс машғулотини қўйилган дарс мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, икки ёки ундан ортиқ ўқитувчи ўтиши;

5). Педагогик амалиётларда бўлажак ўқитувчилар томонидан худди шундай ёндашув асосидаги дарсларни олиб бориш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш талаб этилади. Бундан ташқари “ноанъанавий дарс” номи билан юритиладиган саёҳат дарслари(табиатга, музейга, театрга, кутубхоналарга ва ҳ-о.), конференция дарси, суҳбат дарси, баҳс-мунозара каби дарслар фарқланади. Таълимнинг бундай турини ҳар бир фан ўзининг хусусияти ва ДТС томонидан қўйилган вазифалар асосида амалга ошириб келмоқда. Бундай дарсларнинг

таҳлили ҳам келтирилган дарс таҳлили методикаси талблари асосида олиб борилади.

Хуллас, замонавий дарс ва унга қўйиладиган талабларда бир хилликдан қочиш, ўқувчининг (талабанинг) индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижобий фикрлашга ўргатиш орқали мантиқий тафаккурни ривожлантириб бориш лозим. Ана шундай шароитда ўқувчида юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятлар пайдо бўлади. Боланинг қобилияти кун сайин ривожланиб боради.

## ЎҚИТУВЧИНИНГ ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИГИ

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқноманинг иккинчи “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларнинг педагогик юкламасини белгилаш ва тақсимлаш” бўлимида ўқитувчи “машғулотларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўқув жараёнини таъминлаш”и ҳақида алоҳида банд кўрсатилган. Нафақат умумий ўрта, балки узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида фаолият юритаётган ўқитувчилар учун ҳам худди шундай эътиборли ва айни пайтда, масъулиятли жараён мавжуд. Дарснинг самарали ва дарс олдига қўйилган мақсаднинг кафолатли ечимга эга бўлиши ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги билан боғлиқдир. Ўқитувчи дастур ва дарслик билан чекланиб қолмай, ўз соҳасининг билимдони сифатида инновацион фаолият доирасида янги ахборотларни излаб топса, уни тизим ҳолига келтириб, ўқувчини (талабани) интерфаол методлар асосида муаммоли машғулотлар оламига олиб кира билса, ўқитувчидан тўғри илмий-услубий йўналиш олган болада мустақил равишда билимларни эгаллаш кўникмаси шаклланиб боради. Ана шунда бундай ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги бугунги кун талаби даражасида бўлмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

Борди-ю ўқитувчи анъанавий йўсинда ўқувчига бор билимни тушунтириб бериб: “Менга қандай саволинг бор? Ҳаммаси тушунарли бўлдими?”,- деса, ўқитувчининг сўзларини шошиб-пишиб кўчириб олган ўқувчида савол қаердан пайдо бўлсин? Табиийки, бундай ўқувчининг мустақил фикри бир томонлама бўлиб, мантиқий тафаккури ривожланишдан орта қолиб кетади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги жиддий ва ўз навбатида, масъулиятли жараён ҳисобланади. Кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар билан олиб борган суҳбатларимиз шуни кўрсатдики, бундай ўқитувчиларнинг аксарияти ДТС асосида тайёрланган дастур ва дарсликларни кўздан кечириш ва хотирасида қайта тиклаш билан чекланиш эвазига дарс бериб келаётганликлари ҳам маълум бўлди. Ижодкор бўлмаган  ўқитувчилар айбни кўпроқ ўқувчи ёки талабага юклашади. “Қанча гапирма, қанча тушунтирма, ўқийдиганнинг ўзи ўқиб олади” шиорига амал қилишади. Бундай ўқитувчилар яхшигина тайёргарлик кўриб  қилиб, бир ўқув йилида бир ёки икки маротаба очиқ дарс ҳам ўтиб беришади. Аслида ўқитувчининг ҳар бир дарси очиқ бўлиши лозим. “Очиқ”, “ёпиқ” деган сунъий муҳит таълим тизимида бўлмаслиги керак. Бу ҳолни ўқувчи (талаба) ҳам яхши фарқлайди. Охир-оқибат ҳамма гап ўқитувчини масъуллик ҳисси билан дарсга тайёргарлигига боғлиқ ҳисобланади.

Бир соатлик дарс лойиҳасини  янги педагогик технологиялар татбиқи асосида тайёрлаган ўқитувчи ҳеч қачон ютқазмайди. Касб фаолиятида учраши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни енгиб ўта олади. Ўқитувчи шунчаки юклама бажариш билан чекланмайди. Унинг ижодкорлик фаолияти моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб, педагогик маҳорати такомиллашиб боради.

Яна бир зарур жиҳат, ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётганда қандай кўрсатмали материаллардан фойдаланишни аниқ билиш лозим. Кўрсатмалилик -  дидактиканинг олтин қоидаси дейилади. Ҳар доим ўқитувчи  дарсдан камида бир кун аввал кўрсатмали материалларни ўтаётган фани учун ажратилган кабинетга ҳозирлаб видеопроекторда экранга чиқариб,кўртб  қўйгани маъқул.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётган жараёнда уйга бериладиган вазифани ҳам алоҳида ҳисобга олмоғи лозим. Чунки уйга вазифа ўқувчини (талабани) мустақил таълимини белгилаб, ўқитувчи томонидан дарсда ўтилган материални такрорлашдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Ўқувчини (талабани) ижодий изланишга ундовчи муаммоли саволлар, топшириқлар ва қиёсий-таҳлилий материаллардан иборат бўлгани мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Уйга вазифа ўқувчини (талабани) ўзлаштириш даражасига мос

равишда танланган бўлиши ва ўқитувчи томонидан қисқача шарҳланиб кетилиши лозим. Уйга вазифа (мустақил билим) юзасидан тузилган саволлар жавобсиз қолмаслиги шарт. Шунинг учун дарс жараёнидаги вақт тақсимотининг 5-7 дақиқаси уйга вазифа учун ажратилади.

Дарс мазмуни ўқувчининг хотирасида узоқ сақланиши ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлишини таъминлашда сезги аъзоларининг ўрни муҳим рол ўйнайди. Айниқса, кўриш ва эшитиш анализаторининг уйғунлигидаги кўрсатмалилик (аудио, видео, табиий, тасвирий ва бошқа) хотира ва тафаккур жараёнини мустаҳкамлайди. Шунга мувофиқ инсон:

Кўриш аъзоси орқали-83%

Эшитиш аъзоси орқали-11%

Ҳид билиш аъзоси орқали-3,5%

Тери сезгиси орқали-1,5%

Таъм билиш сезгиси орқали-1% билимларни ўзлаштириб олиниши ўз исботини топган [4,73-б.].

Демак, яна бир карра таъкидлаб шуни айтиш лозимки, турли сезги аъзолари иштирокида ўзлаштирилган ахборот(айниқса кўриш ва эшитиш 94%) ҳаётий аҳамияти билан ўрганилса, ўқувчи хотирасида узоқ вақт сақланиши муқаррар ҳисобланади.

## ДАРС ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ МЕТОДИКАСИ

Дарс- таълим жараёнининг асосий шакли. Дарс-бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан белгиланган вақт оралиғида олиб бориладиган машғулот тури. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи ўз навбатида, дарс ўтиш баробарида дарс таҳлили ва унинг методикасини ҳам билиши шарт. Аммо, бу ўринда шу нарсани алоҳида қайт этиш лозимки, дарс таҳлили ва унинг методикаси қандайдир бир андозали нарса эмас. У ўқитувчининг изланувчанлиги ва ижодкорлигига қўйилган илмий талабга кўра доимо ўзгариб, такомиллашиб боради. Дарс таҳлилининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқитувчи умумий йўналишдаги дарс таҳлилини фарқлаши

билан биргаликда, ўзининг ихтисослигига оид дарс таҳлилини ҳам яхши билиши лозим.

Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланган ўқув дастурларига мувофиқ бошланғич синфлар учун, жисмоний тарбия дарслари учун ва умуман, ҳар бир фан йўналишларига хос дарс таҳлили ва унинг илмий асосланган методикаси ҳамон ишлаб чиқилган эмас.

Бола мактабга деярли ўйин фаолияти асосида кириб келади. Унинг 75-80 фоиз вақти фаол ҳаракатда ўтади. Мана шу фаоллик мактабда сезиларли даражада сусайиб боради. Дарс жараёнида жисмоний тарбия машқлари уйғун ҳолда олиб борилиши лозим. Унинг технологияси эса ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бошланғич таълимда боланинг жисмоний ва руҳий соғломлиги билимларни мустақил эгаллаши ҳамда мантиқий фикр юриишида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ижтимоий фаол шахс тарбиясида жисмоний ва ақлий ҳаракат фаоллигига хос изчиллик таъмин этилмоғи керак.

Ҳозирги кунда иқтидорли болалар мактаблари (гимназия, лицей, лицей-интернат) ташкил этилган. Табақалаштирилган таълимга эътибор берилмоқда. Аммо иқтидорли ўқувчилар учун алоҳида дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари яратилган эмас. Шунга мувофиқ иқтидорли болалар мактабларида ўтиладиган дарслар таҳлили ва унинг илмий асосланган технологияси ҳам ишлаб чиқилмаган.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчи синфдан-синфга ўтгани сари мактабга китоб кўтариб келмаслик одатий ҳолга айланиб бормоқда. Китоб билан ишлаш, айниқса, юқори синфларда ночор аҳволда. Узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида, яъни олий мактаб талабалари ҳам, ўз навбатида, бу ишга панжа ортидан қарай бошлаганликлари кузатилмоқда. Бу масалада кимни айблаш керак? Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги ва дарс таҳлилида китобга (дарслик ва ўқув қўлланмаларига) бўлган эътиборни четлаб ўтиб бўлмайди-ку?!

Бундан ташқари, жуфтлик ва блокли дарслар кенг қамровли жорий этилмоқда. Унинг самараси дарс таҳлили ва унинг методикасида ўз аксини топганми? Топган бўлса, қандай инновацион тавсиялар жорий этилган? Жумладан, мустақиллик дарслари, ноанъанавий дарслар ва масофавий таълимни

такомиллаштириш хусусида ҳам алоҳида дарс таҳлиллари йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарс таҳлили жараёнида дарс жадвалининг тузилиши, унда фанларнинг жойлашуви ва ҳатто, танаффус тартиблари ҳам назардан четда қолиб кетмаслиги лозим. Чунки танаффус қанчалик қисқа бўлиб, дарс соатлари охирлаб борган сари болада руҳий ва ақлий толиқиш, яъни чарчаш ҳоллари шунчалик ортиб боради. Айниқса, 5-6-соатдаги дарслар унуми ва самараси дарс таҳлилларида илмий асосланган ҳолда  кўрсатиб ўтилмоғи лозим.

Бугунги кунда савдо дўконларида дарс таҳлилига, ўқитувчиинг коспект-режаларига оид махсус дафтарлар сотилмоқда. Бу ҳол камлик қилганидек, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш иститутлари тингловчиларига дарс таҳлилининг тайёр андозаси (шаблон)ни тавсия этишади. Бундай ҳоллар ижодкор ўқитувчининг касбий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Чунки, юқорида таъкидланганидек, дарс таҳлилини бир хил  андозага солиб бўлмайди. Ўқитувчининг дарс таҳлили ва фан йўналишига хос методикасини қанчалик билиш ҳамда амалда қўллай олишига қараб, унинг ўз соҳасининг билимдонлиги, ижодкорлиги, айниқса, педагогик маҳоратига баҳо берса бўлади. Шу маънода, бўлажак ўқитувчиларга дарс таҳлили ва унинг методикаси ҳақида билим бериш, педагогик амалиётда оладиган бу масалага алоҳида таҳлил кўзи билан жиддий қараш муҳим аҳамият касб этади. Аммо тажрибалар ва илмий кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият талабалар амалиётга чиқди деган кундан эътиборан мактаб ўқитувчисининг конспекти, календар иш режаси ва тарбиявий иш режаларини шундайгина кўчириб олишга ҳаракат қилишади. Мактаб ўқитувчилари бунга йўл қўйишади ҳам. Бундай ҳолда талаба олий даргоҳда олган билимлар ва янги педагогик технологияларни қандай қилиб таълим-тарбия жараёнида синаб кўради?  Шунинг учун методист ўқитувчилар бу масалага бефарқ қарамасликлари лозим. Токи, талабадаги ижодкорлик намуналари амалиёт жараёнида намоён бўлсин. Касб фаолиятининг мантиқи дарс жараёнида ранг-баранг метод, усул ва воситалардан унумли фойдалана билишда кўринади. Шунинг учун дарс таҳлили жараёнида ўқитувчи ана шу

метод, усул ва воситаларни қай йўсинда қўллай олади, деган саволга жавоб олиш лозим.

Кўплаб дарс кузатувлари ва таҳлиллари мобайнида аксарият ўқувчиларнинг жавоблари ниҳоятда содда, шу билан бирга, ноаниқ, мужмал, қандайдир ўзига ишончсизлик ва лоқайдлик кайфиятига хос ҳолатларга дуч келасиз. Боланинг эркин ва жонли фикри ялт этиб кўзга ташланмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи нутқининг ночорлиги, саёзлиги, мантиқсиз,илм ва амалиётдан узоқлиги, ҳатто боланинг фикрлаш доираси ёшига мос эмаслиги ҳам баъзан кўриниб қолади.

Ўқитувчи ўқувчини қуруқ ёдлашга мажбур этмаслиги лозим. Ўқувчининг ўзи қизиқиб, мустақил фикр асосида билишга интилсин. Ҳар бир дарс фикрлаш,илм асосида билим эгаллаш дарсига айлансин. Ўқувчининг фикр юритиш қобилиятидан келиб чиқиб, ҳар бир сўзи жонли, жўшқин, илмий ва амалий асосланган бўлиб борсин. Ана шундай дарслар ижодий ва илмий асосланган дарслар бўлиб, ўз самарасини беради.

Дарс кузатувлари асосланган илмий таҳлиллар ўқувчиларнинг юқори синфга ўтгани сари улардаги фаоллик сусайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг илмий асосланган сабаби, бошланғич таълимда “Бу нима?” рефлекси ижодий тус олган бўлиб, боланинг фантазиясига хос қизиқишлар кўлами эҳтиёж даражасига кўтарилган бўлади. Бу эҳтиёж юқори синфга борган сари сўнмаслиги лозим. “Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатида ички рефлексия тобора уйғунлашиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биз томондан қўлга киритилган илмий-услубий маьлумотларимиз шуни кўрсатадикий, дарс таҳлилида, айниқса, юқори синф ўқувчиларини китоб билан ишлаш кўникмалари, эркин фикр юритиш қобилияти, ижодий меҳнатга бўлган муносабатига алоҳида эътибор қаратилсагина кафолатли натижа олиш мумкин.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юқори синфларда дарс берувчи ўқитувчилар жуда камдан-кам ҳолларда бошланғич синфларга дарс кузатгани киришади. Ўз навбатида, бошланғич таълим ўқитувчилари ҳам юқори синфлар дарсларини деярли кузатишмайди ва дарс таҳлилларида иштирок этишмайди. Аслида таълимдаги системалилик ва изчиллик принципига кўра

бошланғич синфларда болада шаклланган қобилият куртаклари, ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш ва нутқ техникасига оид кўникма ҳамда малакалар, V, VI, VII ва ундан юқори синфларда қандай таркиб топаётганлигини билиб бориши керак-ку! Бу бошланғич таълим ўқитувчисининг меҳнати самараси эмасми? Ахир ҳар бир ўқитувчи ва синф раҳбарининг қўлида прогностик таҳлиллар бўлиши лозим эмасми? Узлуксиз таълимдаги бундай узилишларнинг сабаби, мактаб методик бирлашмалар фаолиятидаги номутаносибликлардан келиб чиққанлигини аниқладик.

Ҳамон методик  бирлашмалар фаолиятида изчиллик ва ўзига хос уйғунлик илмий асосда таьмин этилмаган.  Бир гап билан айтганда, баркамол шахс фаолиятига бўлган тизимий ёндашув илмий-методик асосга қўйилмаган. Дарс таҳлили ва унинг илмий-методик асослари алоҳида тадқиқот объекти кўринишида ўрганилмаган. Узлуксиз таълимнинг бу каби айрим жиҳатларидаги узилишлар бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди.

Мактаб тълимида методик бирлашмаларнинг қўшма йиғилишлари, семинар, давра суҳбатлари ва бу суҳбатларда педагог-олимлар, ота-оналар ҳамда жамоатчиликнинг иштироки муҳим ўрин тутади. Айниқса, суст ўзлаштирувчи , тарбияси оғир, нотўлиқ оиладан келаётган болалар билан ишлаш, боланинг бўш вақти ва уни белгилаш, уйга вазифаларнинг меъёрий ҳажми ва талаблари  мониторингги инновацион фаолият асосида ишлаш, яъни янги педагогик технологияларнинг таълим тизимига татбиқи масаласи ҳамда ундан олинган натижалар, болани мустақил равишда билимларни эгаллашга қаратилган йўл-йўриқлар айнан қўшма методик бирлашма йиғинларида кўриб чиқилиши лозим.

Ўқувчи қанчалик ўзи уриниб, ўзи янги билимларни излаб топса, ўзлаштирса, бундай меҳнат болага катта қувонч бахш этади. Бола янада интилиб, изланиб меҳнат қила бошлайди. Бундай меҳнат болага кўтаринки руҳ ва илҳом бағишлайди. Бу ҳолда ўқитувчи болани тўғри йўналтириб, тегишли шарт-шароит яратиб бериши ва бу борада ота-оналар ҳамда илмий жамоатчилик билан яқиндан алоқада бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи имкон қадар болага икки баҳо қўймаслиги лозим. Икки баҳо олган болада қанақа реакция бўлишига қараб, унинг фанга ва ўқитувчига бўлган муносабати тўғрисида хулоса чиқарса бўлади. Агар ўқувчи қониқарсиз баҳога нисбатан бепарво бўлса, бу ҳол боланинг фанга ва ўқитувчисига нисбатан беписандлигини кўрсатади.Икки баҳо болани изланиш ва ютуқларга эришиш сари қўйган қадамини бекитиб қўяди. Демак,ўқувчини баҳо билан жазолаш мумкин эмас,уни рағбатлантириш йўлларини излаш лозим. Ўқитувчи болани айни пайтдаги билимига қараб баҳоламасдан, унинг саломатлиги, оилавий аҳволи, руҳий ҳолати, кайфияти, маънавий-ахлоқий қирраларига эътибор бериб,сўнг баҳо қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи юқорида кўриб ўтилган омилларнинг барчасини назардан четда қолдирмаслиги даркор. Ана шунда дарснинг сифати ва самарадорлиги ўқувчи ва талабанинг маънавий-ахлоқий ҳамда илмий дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки дарс ақлий тарбиянинг асоси ҳисобланиб, деярли барча ўқувчилар ўқитувчининг кайфияти, касб одоби, кийиниш маданияти ва билимдонлигига бир гап билан айтганда педагогик техникасига эътибор беришади. Ўқитувчидаги ижобий ва ижодий сифатларга қараб ўқувчи ўз муаллимига тақлид қилади. Ўқитувчининг ўзини чуқур ҳурмат қилади ва унинг фанига қизиқиш билан қарайди. Ўқитувчилик касбига эътибор ва ушбу касбни танлаш айнан севимли ўқитувчисига тақлид қилишдан бошланади. Дарс кузатувлари ва таҳлилида бу масала, аллбатта, инобатга олинмоғи лозим. Юқорида таъкидланганидек, ўқувчини тўғри рағбатлантириб бориш кўплаб илмий ва ижодий ютуқларнинг гарови бўла олади.

Маълумки,ўқитувчи дарсга кирганда унинг қўлида синф журнали, давлат таълим стандартлари асосида тайёрланган ўқув дастури, календар-мавзу режаси, дарс конспекти, дарслик ва ҳамда кўрсатмали жихозлари бўлади. Шундай бўлсада, юқоридаги нарсаларнинг бор-йўқлигига бир назар солиб қўйинг. Ўқитувчи билан бирга дарс кузатувига кириб келганлар орқа ўриндиқларнинг бирига бориб ўтиришлари лозим.Ўрта ёкий олдинги қаторларда кузатувчининг ўтириши тавсия этилмайди.Бундай ҳолатларда диққати бўлиниб,фикри

чалғийди.Кўп йиллик илмий методик кузатувларимиз натижаси ўларoқ қуйида технологик тартибдаги дарс таҳлилини тавсия этишни лозим топдик.

**1. Ташкилий таҳлил.** Синфнинг дарсга тайёргарлиги, аввало, ўқувчиларнинг кайфияти, соғлиғи ва синф хонаси, досканинг озодалиги, бўр ва латтанинг борлиги, синф ҳавосининг тозалиги, мабода айрим ўқувчилар бирон сабабга кўра дарсда қатнашмаётган бўлса,уларнинг номи ёзилган варақчанинг ўқитувчи столига навбатчи ёки синф бошлиғи томонидан қўйилиши кабилардан ташқари,ўз навбатида, ўқитувчининг дарсга ҳозирлиги, кайфияти дарс учун keракли жиҳозлар, кўрсатмали ва тарқатма материаллар ҳамда техникавий асбоб-анжомларнинг мавжудлиги ҳамда ўқитувчининг ташқи қиёфаси,кийиниш маданиятига ҳам эътибор берилади.

**2. Илмий таҳлилда** илм асосида билим бериш принципига асосланилади. Замонавий педагогик ва ахборот технологиясининг ривожи илмий билимлар билан қуролланишни ҳамда узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи ва талаба ёшларни илмий тадқиқот методлари асосида изланишлар олиб боришини талаб этади. Илмий билимлар ўзининг назарий жиҳатдан пухталиги, ҳаёт ва амалиёт билан изчил боғлиқлиги асосида ажралиб туради. Шунга кўра, бугунги фан-техника ривожи таълим мазмунига сингдирилган ҳолда ўқувчи ва талабанинг онгига етказиб берилади.Ўқитувчининг ҳар бир дарси илмий асосланган бўлиб, ўқув-билув методларини модернизация қилишга қаратилган бўлади.

Илмий таҳлилда ўқувчи ва талаба мустақил равишда илмий методлар билан таълим-тарбия методларини қай даражада қўллай олишига эътибор қаратилади. Бу жараён ижтимоий фаол ва малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг имий-педагогик асосини ташкил этади.

**3. Дидактик (таълимий) таҳлил.** Таълимий таҳлил кенг қамровли ҳисобланади. Аммо таҳлилнинг бу турида таълим принципларининг мазмун-моҳиятига асосий эътибор қаратилади.Чунки таълим принциплари ўқитувчи ва ўқувчи олдидаги вазифаларни уйғунлаштириб, таълимнинг назарий ва амалий қонуниятларини тўғри ҳал этишнинг асосий негизи ҳисобланади. Шунга мувофиқ, ҳар бир мавзунинг илмийлиги, тизимий ва изчил бўлиши, оддийдан

мураккаб томон йўналиши, ўқувчининг билимдонлиги, мустақил фикрлаши, фаоллиги, дарсдаги кўрсатмалилик,замонавий педагогик технологиялар татбиқини, янги ахборотларни ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги ҳамда таълимни ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятлари билан боғлиқлиги очиб берилади. Ўқув-билув жараёнига хос қайтар алоқанинг таъмин этилишига ва унинг амалий самарадорлигига эътибор қаратилади.

**4. Методик таҳлил.** Бунда ўқитувчи фаолиятининг бир-бири билан изчил боғлиқ бўлган икки томони назарда тутилади. Биринчиси , қўлидаги дастурга кўра эгаллаган билимлари асосида мавзу неча соатга мўлжалланган бўлса, уни қандай методлар (усул ва воситалар) асосида ўқувчининг ёши, жинси ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бера олиши бўлса, иккинчиси,ўзининг ўқитувчи мутахассис сифатидаги методик тажрибалари қай даражада ривожланганлигини намойиш этиш ҳисобланади. Мана шу иккинчи қисмида ўқитувчининг ижодкорлиги, методик маҳорати кўрсатилиши лозим. Ўқитувчининг инновацион фаолияти, яъни янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ эта олиш кўникмаси ва унга оид тажрибалари айнан шу ерда маълум бўлади. Ўқитувчининг методик маҳорати бирданига кўзга ташланмайди. Айниқса, ёш ўқитувчилар ўз билим ва тажрибаларини ўқувчига етказиб беришда кўплаб қийинчиликларга дуч келишади. Шунга мувофиқ, олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарликларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун узлуксиз педагогик амалиёт жараёнида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ҳал этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шундай бўлса-да, ҳамон бўлажак мутахассислар мактаб амалиётида ва кейинги мустақил иш фаолиятларида методик жиҳатдан “ўтмасроқ” бўлиб қолишмоқда. Бунинг механизмлари илмий жиҳатдан ўрганилиб, тегишли тавсиялар кўринишида асослаб берилиши лозим. Ҳамон бу жараён тадқиқот предмети сифатида ўрганилган эмас.

**5. Методологик таҳлил.** Маълумки, миллий истиқлол ғояси шахснинг ижтимоий тафаккурида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. У энди назарий концепция, таълимот даражасидан амалий ҳаракатга айланаётган бир

шароитда педагогик ғоянинг ўрнини белгилаб олиш лозим. Ўқувчи ва талаба ёшларнинг орзу-интилишлари, келажак мақсадларини миллий истиқлол ғояси билан ҳамоҳанг қилиш, шу ғоянинг таркибига сингдириб юборишда ўқитувчининг инновацион фаолияти ва шу асосида педагогик ғояларни узлуксиз таълим жараёнида такомиллаштириб бориши муҳим ўрин тутади.

Миллий истиқлол ғояси ва унинг таркибий қисми бўлган педагогик ғояни ўқувчилар ва талаба ёшлар эътиқодига айланишида тизимли ва мақсадли таълим-тарбиявий иш олиб боришга қаратилган инновацион дастур ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўзининг фани йўналиши бўйича:

1) педагогик ғоянинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиши;
2) педагогик ғояларни англаган эҳтиёж даражасига кўтариши;
3) ўқувчи ва талабада масъуллик ва дахлдорлик ҳиссини шакллантириш;
4) фанга бўлган қизиқишини бошқа ижобий мотивлар асосида тўғри йўналтириши лозим.

**6. Психологик таҳлилга,** аввало, боланинг жисмонан ва руҳан соғломлиги, кайфияти, жамоадаги соғлом муҳит, болаларнинг ўзаро муносабати, мулоқот маданияти, фаол ёки сустлиги, диққатининг барқарорлиги ва кўлами, сезгирлиги, топқирлиги, ҳушёрлиги, фанга бўлган қизиқиши, ҳозиржавоблиги, ўқитувчи билан ўзаро муносабати, жамоадаги ўзаро ҳурмат, боланинг идроки, мантиқий ва образли тафаккури, индуктив ва дедуктив хулоса чиқара олиши, хотираси, материални эсда олиб қолиши, бола фантазияси, бажарадиган ишига кўра масъуллиги, иродавий сифатлари, қобилияти, билим, кўникма ва малакалар кўлами каби томонлар киради.

Буюк педагогларимиз ўқитувчини “амалдаги руҳшунос” дейишган. Бир соатлик дарс жараёнида ўқитувчи 100 дан ортиқ муаммоли вазиятларга дуч келиши мумкин. Бундай вазиятларни баъзан ўқитувчи англаб, англамай ёки атайлаб эътиборсиз қолдирадиган ҳолатлар ҳам бўлади. Аслида ўқитувчи муаммоли вазиятларга бепарво қараши мумкин эмас. Жамоада соғлом муҳитни таъмин этишда, боланинг маънавий ва ахлоқий қиёфасини шаклланишида муаммоли вазиятларнинг ижобий ечими алоҳида аҳамият касб этади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчи марҳамат қилиб дарсга кирдими, дарс амалларини  белгиланган вақт жараёнида педагогик талаблар даражасида бошқариши лозим.

Мактаб амалиётида шундай ҳоллар жуда кўп бора такрорланади: коридор бўйлаб юрсангиз, баъзи синфларда шунчалик жимжитликки, у ерда ҳеч ким бўлмаса керак, деб ўйлайсиз. Аслида дарс бўлаётган бўлади. Баъзи синфларда шунчалик шовқин бўладики, бутун мактабни бошига кўтаришади. Ўқитувчиси йўқмикин, деб эшикни очсангиз, у ўз ўрнида ўтирган бўлади.

**7. Педагогик таҳлил.** Таҳлилнинг бу тури анча масъулиятли бўлиб, ўз ичига ўқитувчининг педагогик техникани қай даражада ўзига сингдириб олгани билан ифодаланади. Маълумки, педагогик техника касб фаолияти жараёнида амал қилишига кўра икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси, ўқитувчининг ўз хулқ-атвори ва нутқини бошқара олишига қўйилган меъёрий талаблар бўлиб, буларга ўқитувчининг ташқи қиёфаси, кийиниши, гавда, қўл, юз ҳаракатлари, кайфияти, руҳий ҳолати, ҳис-ҳаяжони, диққати, хаёли, кузатувчанлиги, қадам босишларини идора қилишдан иборат.

Ўқитувчининг нутқи, овозининг паст –баландлиги синф ўқувчилариниг ёши ва бажараётган хатти-ҳаракати билан уйғун бўлиши лозим. Демак ўқитувчининг ҳар бир гапига ҳаракатининг мослиги, сўз ва нутқининг уйғунлиги, унинг жозибаси, оҳанги, бир-бирига мувофиқ келиши талаб этилади.

Шундан келиб чиқиб, изчил равишда иккинчи гуруҳга таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар, яъни ўқувчи билан тезда тил топа олиш, унинг ўрнига ўзини қўйиб кўра билиш, мулоқотга кириша олиш, таълимда фаол муносабат ўрната олиш каби хусусиятлар киради.

Педагогик техникани мукаммал ўзлаштира олган ўқитувчигина инновацион фаолиятда  янги педагогик технологияларни таълим ва тарбия жараёнига татбиқ эта олади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати айнан мана шу ерда кўрина бошлайди.

Шу билан бирга, педагогик таҳлилда ўқитувчининг тарбиячилик маҳоратига ҳам алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир дарснинг тарбиявий аҳамиятини очиб беришда миллий ва умуминсоний тарбиянинг таркибий

қисмларини қай даражада ўқувчига бера олиши ёки ўқувчининг ўз-ўзини тарбиялашга ундай олиши ҳисобга олинади.

Ҳозирги кунда энг долзарб тус олиб бораётган маънавий-ахлоқий, экологик, жисмоний, жинсий, нафосат ҳамда ғоявий-мафкуравий тарбия масалаларига ўқитувчи ҳар бир дарсда алоҳида эътибор бериши лозим. Дарс жараёнида тарбиянинг таркибий қисмларини номигагина тилга олиб ўтиш эмас, бундай тарбиянинг таъсирчанлиги, ҳаётийлиги, ижтимоий ўрнига ўқувчининг диққат-эътибори ва айниқса, масъуллигини ошириши лозим. Токи бундай тарбия ўқувчининг кундалик эҳтиёжига, эҳтиёж асосида эса эътиқодга айланиб борсин. Тарбиянинг кафолатли натижаси ана шунда кўринади. Бу каби долзарб масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этиши лозим. Ўқитувчи меҳнатининг самараси баркамол шахс тарбиясида ўз ифодасини топади. Бу жараён тинимсиз изланиш ва илмий- ижодий меҳнатни талаб қилади.

**8. Ўз фаолиятини ўзи таҳлил этиш.** Бу жараён уч хил шаклда амалга ошади. Аввало **биринчидан** ҳар бир ўқитувчи ўз дарсини ўзи таҳлил эта олиши лозим. Чунки касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг дидактик моҳияти айнан ўқитувчини ўз фаолиятига ўзи қай даражада баҳо бера олишида кўринади. Ўқитувчи белгиланган вақт меъёрига асосланган ҳолда юқорида кўриб ўтилган барча таҳлил турларини ўзи кўриб чиқиши лозим. Шу асосида ўзининг ютуғи, камчилиги ҳамда дарс самарадорлигига эриша олдиган илмий-методик йўл-йўриқларни излаб топган ўқитувчида касб маҳорати изчил ривожланиб боради.

**Иккинчидан,** ўқитувчи бошқаларнинг дарсини кузатиб, қиёсий хулосалар чиқариш орқали ўз дарсини ўзи таҳлил этиши мумкин.

**Учинчидан**, ўқитувчининг дарси бошқа ўқитувчилар, мутахассислар томонидан кузатилиб, тегишли таҳлиллар асосида чиқарилган хулоса ва таклифларга мувофиқ кейинги дарсларини илмий-методик талаблар даражасида такомиллаштириб бориш мақсадида ўз дарсини ўзи таҳлил қилиши киради.

Кўриб ўтилган учала ҳолат ҳам бир-бирини уйғун равишда мунтазам тўлдириб бориши илмий-амалий самарадорликка эришиш кафолатини беради.

**9.Якуний таҳлил ёки хулосалар ва тавсиялар** қисмида ўқитувчи ўзининг мутахассис сифатидаги хулосаси (дарс жараёнига қўйган баҳоси), дарс

олдига қўйилган мақсад ечими, таклиф ҳамда тавсиялари баён этилади. Дарс тугагач, уни таҳлил этиш жараёнида, аввало, дарс ўтган мутахассис гапиргани маъқул. Сўнг дарс кузатувида иштирок этганлар гапиради. Дарс таҳлилини кимдир, яъни мактаб директори, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ёки методик бирлашма раҳбари (агар улардан бири дарсда қатнашган бўлса), кафедра мудири ёки тажрибали ўқитувчи бошқаргани маъқул.

Педагогик одоб, ўзаро ҳурмат ва бир-бирини тушунган ҳолда дарс кузатувида иштирок этганлар юқорида тавсия этилган технологик ёндашув асосида ўз фикрларини ошкора билдирганлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳар қандай тажрибали, билимдон, узоқ йиллик педагогик фаолиятда самарали ишлаб келаётган мутахассисда ҳам айрим камчиликлар кўзга ташланиб қолади. Ўқитувчининг ёши, тажрибасини ҳурмат қилиб, уни айтиб ўтмаслик, ўқитувчининг кейинги ўтадиган дарсларини самарали бўлишига қисман бўлса-да, тўсқинлик қилиши мумкин.

Чиқарилган якуний хулосалар, таклиф ва тавсияларга мувофиқ ўқитувчининг иш тажрибасини умумаштириш ва оммалаштириш етук ҳамда рақобатбардош ўқитувчи кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда видеофилъм, рисола ва электрон дарслик ва қўлланма кўринишида инновацион тажрибаларни оммалаштириш талабага тезда ва қулай йўллар билан етказиб беришнинг фаол шакли ҳисобланади. Шундай тартибда кафедра ёки мактаб фондини илмий-методик ва инновацион жиҳатдан бойитиб бориш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Кўп йиллик иш тажрибалар ва олиб бораётган илмий-методик кузатишларимиз яна шу нарсани тақозо этадики, мабода ўқитувчининг дарсига кириш лозим деб топилса, айниқса, ташқаридан келган шахслар (ота-оналар,педагог-олимлар,соҳа мутахассислари, жамоатчилик ва юқори ташкилот вакиллари)ни дарсга киритишдан бурун касб этикаси ва маданияти нуқтаи назаридан қайси синфга ва нечанчи соатда қайси дарс бўлишига кўра, предмет ўқитувчиси огоҳлантирилади. Ўқитувчи рози бўлсагина дарс кузатувига киритилади.Чунки бундай дарс кузатувлари олдиндан режалаштирилмаган бўлганлиги учун ташқаридан келган шахс билан бирга методик бирлашма раиси

ёки мактаб раҳбарларидан бири қўшилиб киргани маъқул. Шундай ҳолда баъзи бир англашилмовчиликлар ва психологик тўсиқларнинг олди олинган бўлади. Аммо методик бирлашма раиси, унинг аъзолари, мактаб раҳбарлари ҳоҳлаган вақтларида (албатта, ўзларининг режалари асосида) ўқитувчининг дарсига киришлари мумкин. Бу ҳолатда ўқитувчи ўзининг ҳар бир дарсини очиқ бўлишига доим руҳан тайёр туриши керак. Юқорида биз ўқитувчининг ҳар бир дарси очиқ бўлиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтган эдик. Шунга кўра, ўзаро дарс кузатиш режасига мувофиқ мактаб раҳбарлари ҳар куни 2-3 соатдан, методик бирлашма режасига мувофиқ ҳар бир ўқитувчи ойига камида 2-3 соатдан (2-3 жуфт) ўзаро дарсларга кириб, дарс таҳлилларида иштирок этишлари таьлим ва тарбия жараёнида юқори самарадорликка эришишни таьмин этади.

Демак, ўқитувчининг ҳар бир дарси самарали,кўзланган мақсадга эришадиган бўлиши лозим. Шунга кўра, яхши дарсни яхши асарга қиёслашади. Ўқитувчи йирик асарлар ёзмаса-да, аммо қиёмига етказиб, моҳирона дарс ўтиши талаб этилади. Шунга мувофиқ, ўқитувчининг касби заргарона меҳнатга, юксак санъатга, қолаверса, актёр ва режиссёрнинг касбига қиёсланади.

Актёрдан ўқитувчининг фарқи шундаки, актёр саҳнада бировнинг ёзган асари асосида рол бажаради. Ўзининг касб маҳоратини кўрсата олсагина бировни кулдириши ёки йиғлатиши мумкин. Бир гап билан айтганда, томошабинни ишонтира олса, унинг қалбида туйғу уйғота олса, тарбиявий мазмун касб этади.

Ўқитувчи эса ўсиб келаётган ёш авлодни, мамлакат келажагини, фуқарони шакллантиради. Шунга кўра, унинг меҳнати ҳар доим тирик меҳнат ҳисобланади. Ўқитувчи меҳнати қалбдан-қалбга, авлоддан-авлодга кўчиб юради. Шунга мувофиқ ўқитувчи-авлодлар занжирини боғловчи олтин халқа! Дунёда ҳеч ҳам эскирмайдиган, йўқолиб кетмайдиган касб-ўқитувчининг касби. Шунинг учун ҳам бу касб энг шарафли, эъзозли ва айни пайтда, энг масъулиятли касб ҳисобланади. Бу касбга тасодифан кириб қолувчилар бўлмаслиги лозим. Чунки “педагогик яроқсизликлик” жамиятни инқирозга олиб келади. “Ўқитувчи бўлиб туғилиши керак” ибораси бежиз ишлатилмайди.

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши ўқитувчининг касб фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетади. Ҳа, ўқитувчи қандай бўлса, мактаб шундай бўлади. Мактаб қандай бўлса, жамият шундай бўлади. Бу масала ижтимоий ҳаёт қонунига айланган  десак ўринли ҳисобланади.

“Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида “...умумтаълим муассасалари педагог ходимларининг касб фаолиятига талаб ошганлигидан келиб чиқиб, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни табақалаштириш” масаласи кўриб чиқилган.

Ўқитувчининг касб фаолияти ва педагогик маҳорати унинг ижодкорлигида кўринади. Ўқитувчининг илғор технологик  тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш учун эса дарсларни кузатиш ва таҳлил этиш методикасини билиш лозим.

Юқорида таъкидланганидек, аксарият мактабларда ва вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида дарсларни кузатиш ва таҳлил этиш қулай бўлиши учун схематик,яьни бир хил андазадаги   усулни тавсия этишади. Педагогик амалиётга чиқаётган талабалар учун ҳам ана шундай жадваллар берилади. Жадвал билан чекланиб қолиш ўқитувчи фикрини бир қолипга солиши баробарида ижодий ёндашувни сўндиради. Бу ҳолатни биз иловада кўрсатиб ўтдик. Чунки, тавсия ҳар доим ҳам наф бермаслиги мумкин. У шунчаки йўналтирувчи вазифани ўтайди холос.

Ижодкор ўқитувчининг дарс кузатуви ва дарс таҳлили учун алоҳида журнал бўлиши ҳамда бу журнал давр талаби асосида йиллар давомида такомиллашиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Демак, дарс таҳлили ва унга бўлган илмий-методик ёндашувлар  ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос дунёқараши, тажрибаси, фанга, ўз касбига бўлган муносабати, ҳурмат-эътибори ва маданиятини белгилаб берувчи кўзгу вазифасини бажаради. Таълим-тарбия самарадорлигига эришишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.Педагогик ижод ҳамиша ҳамкорликда,

ҳамфикрликда ва ўзаро таҳлилда такомиллашади. Дарс таҳлили ва унинг методикаси ижодий меҳнат самарасига айланиб боради.

Бугунги кунда таълим ва тарбиянинг ижтимоий моҳияти тобора ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, тўгарак машғулотлари, тарбиявий дарслар ва қўшимча дарсларни ҳам кузатиш ҳамда таҳлилини ўтказиш дарс самарадорлигини таъмин этишга хизмат қилиши лозим. Дарс таҳлилини илмий-методик талаблар даражасида олиб бориш, узлуксиз таълим муассасасини бошқариш ҳамда унга педагогик раҳбарлик қилишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир ўқитувчининг малакасини ошириш, қайта тайёрловдан ўтказиш, иннавацион технологиялар татбиқини амалга ошириш, ўқитувчининг касбий фаолиятини рағбатлантириш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ҳамда оммалаштиришда дарс таҳлили натижалари асосий омил вазифасини ўтайди.

Электрон дарсликларнинг яратилаётганлиги, ахборот технологиясини таълим жараёнига кириб келиши ҳамда интерфаол методлар татбиқи ўқитувчи шахсини қайси дарс турини қандай қўллай олишига боғлиқ. Бундай шароитда аксарият ўқитувчилар аралаш (қурама) дарс турини қўллашга ўрганиб қолишган. Аммо, ўқув дастурида белгиланган мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, янги билимлар бериш дарси, мустаҳкамлаш дарси, такрорлаш ва умумлаштириш дарси ҳамда ўқувчилар (талабалар) билимларини текшириш каби ижодий характердаги дарсларни кенг қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарс таҳлилида бу жараён албатта эътиборга олинади. Бундан ташқари, алоҳида кириш дарслари ҳам мавжуд бўлиб, янги ўқув йилида ёки янги фанларни ўтиш кириш дарсидан бошланади. Кириш дарси биринчи дарс бўлгани учун Юртимизнинг мустақиллик йилларида “Мустақиллик дарси”га айлангани ҳам бежиз эмас. Шунинг учун кириш дарсига жиддий тайёргарлик кўриш ҳар бир фан ўқитувчисидан алоҳида масъулият талаб этади. Бу дарсни муваффақиятли чиқиши ўқувчини (талабани) фанга қизиқтириш, уни инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуси асосида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари саёҳат дарслари (табиат, музей, театр, кўргазма заллари, ўқув юртларига ва ҳ-о.) олдиндан режалаштирилган ҳолда ўзининг қатъий мақсади ва вазифасини белгилаб амалга оширилади.

Саёҳат дарсларининг таҳлили унинг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Семинар ва лаборатория дарслари (машғулотлари) таҳлилида асосий эътибор кўрсатмалилик, адабиётлардан унумли фойдаланиш, лаборатория ишларида қўлланиладиган реактивлар, жиҳозлар, техника воситалари ҳамда улардан ўқувчини (талабани) қай даражада мустақил фойдалана олганлиги ҳамда кафолатли натижа нима берганлигига, уни амалий татбиқи аҳамиятли ҳисобланади. Чунки ахборот технологияси ривожланган ҳозирги кунда амалий дарсларни компьютерсиз ва янгидан янги тавсия этилаётган методик қўлланмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Демак, дарс таҳлили ва уни такомиллаштириш бугунги кунда педагогика фани олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади. Бу ишга ҳар бир маҳоратли ўқитувчи ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб бориши унинг касб бурчи ҳисобланади. Ўқитувчи шахсини касб камолотига эришувида дарс таҳлили ва у асосида бериладиган илмий-амалий ҳамда ўқув-методик тавсиялар катта рол ўйнайди.

## ДАРС ТАҲЛИЛИ ДАФТАРИ

Ҳар бир ўқитувчининг қўлида бир ўқув йилига мўлжалланган дарс таҳлили дафтари бўлиши лозим. Кўп йиллик педагогик тажрибалар шуни кўрсатдики, агар ўқитувчи таҳлил учун бир неча йилга мўлжалланган қалин дафтар ёки журнал юргазса аввалги йиллардага айрим маълумотлар эскириши натижасида ўқитувчини чалғитиши мумкин. Дарс кузатуви ва уни таҳлил этиш ижодий ва узлуксиз такомиллашиб борадиган жараён бўлгани учун ҳар ўқув йилга мўлжалланган таҳлил дафтари алоҳида папкага солиниб, йиғиб борилиши ва маълум чорак ва йиллар оралигида илмий-методик жиҳатдан таҳлил этилиб борилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, дарс таҳлили дафтарини муайян шаблон (андаза) кўринишида олиб  қараш мумкин эмас. Иловаларда дарс таҳлилига оид бир қолипдаги андазаларни мисол тариқасида тавсия этдик холос.

Аммо, дарс таҳлили дафтари муайян педагогик талаблар даражасида юргазилиши лозим. Буларга қуйидагилар киради.

200__ й “____”_________________

_______________________________туман (шаҳар)

____________________________________________умумий ўрта таълим мактаби (ёки академик лицей, коллеж, ОЎЮ).

______________________синф (гуруҳ, курс).

______________________.фани

ўқувчилар (талабалар) сони____________

дарсда қатнашди______________________________

Ўқитувчининг И.Ш. _____________________________________________

Дарсни кузатишдан мақсад________________________________________

_______________________________________________________________

Дарс мавзуси____________________________________________________

________________________________________________________________

Ўқувчиларни (талабаларни) дарсга тайёрлиги…_______________________

________________________________________________________________

Дарс мақсадининг қўйилиши______________________________________

________________________________________________________________

Дарс методлари__________________________________________________

________________________________________________________________

Воситалар________________________________________________________

Жиҳозлар________________________________________________________

Таянч сўзлар (иборалар)___________________________________________

Дарснинг бориши_________________________________________________

## **Дарсга қўйилган баҳо**

| Дарснинг ижобий томонлари | Дарснинг салбий томонлари |
| --- | --- |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |
| 4. | 4. |
| 5. | 5. |
| 6. | 6. |
| 7. | 7. |
| 8. | 8. |
| 9. | 9. |
| 10. | 10. |

Хулоса ва таклифлар_____________________________________________

_____________________________________________________________

_____________________________________________________________

_____________________________________________________________

_____________________________________________________________

Кузатувчининг имзоси ___________

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ,1997.-64 б.
2. “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.-Маърифат газетаси, 2006 йил 7 январ.
3. Абдукаримов Ҳ. Дарсни таҳлил қила оламизми?..-Маърифат газетаси, 1991 йил 8 август.
4. Йўлдошев Ж. Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т.: Ўқитувчи, 2004.- 1004 б.
5. Очилов М. Янги педагогик технологиялар (Ўқув қўлланмаси. Педагогика фанлари доктори, проф, М. Очилов ўқиган маърўза матнлари).-Қарши, Насаф, 2000.-80 б.
6. Саидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология.-Т.: 2003.- 66 б.

## ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997.- 64 б.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат,-Т.: 2003.-174 б.
3. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Ўқув қўлланма.-Т.: Фан, 2005.-268 б.
4. Лихачев Б.Т. Педагогика. Курс лекций.-М.: Юрайт, 2001.-607 с.
5. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Обшая педагогика: Учеб.пособие для студ. высш. учеб. завед. Под ред. В.А.Сластенина: В 2 ч.-М.: гуманит. изд. центр Владос, 2002.-ч.2.-256 с.
6. Қаршибоев Ҳ.Қ ва б. Муаммоли таълимни ташкил этиш йўллари.-Гулистон, 2004.-16 б.
7. Қобилов Ш., Таджиханов Б.У. Маърўзаларни тайёрлаш ва ўқиш мазмуни ҳамда шаклига қўйиладиган талаблар.-Т.: 2006.-16 б.

1-илова

## Кузатувчининг дарс жараёни юзасидан фаолият алгоритми

Сана_________________

Гурух___________________

Жуфтлик______________

______________________

**Мавзу** “____________________________________________” (**2с**)

**I.Дарснинг ташкилий қисми**

I. Саломлашиш

1.Аудиториянинг, дарсга тайёрлиги__________

2.Давомат_________________________________________

3.Ўқувчилар диққати ва эътиборини дарсга тўла жалб этиш________

4.Дарсда амал қилинадиган қоидаларни эслатиш__________________

5.Ўқувчиларда дарсга қизиқиш уйғотиш, фаоллаштириш___________

**II.Дарснинг ғояси-**Комил инсонни шакллантириш.

**III.Мақсаднинг қўйилиши**:

**1. Таълимий мақсад -** ўқув материалининг мазмунини билиш, мавзуга оид илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш кўникма ва малакаларини шакллаштириш.

2. **Тарбиявий мақсад** - мавзу мазмунидаги ғоялар, дунёқарашга таъсир этувчи илмий тушунчалар, янги ахборотлар (билимлар) таъсирида ўзининг маънавий-ахлоқий, умуминсоний ва касбий сифатларини, эътиқоди ҳамда маданиятини шакллантириш.

**3. Ривожлантирувчи мақсад -** дарс жараёнида шахснинг ақлий, ахлоқий камолотини, мантиқий тафаккурини, янги билимларни эгаллаш қобилиятини, меҳнатга, эгаллаётган касбига бўлган мунособатини ривожлантириш.

**IV. Вазифалар:**

1. “Ўқитувчи-ўқувчи” ҳамкорлигида фаол муносабатларга эришиш.
2. Фикрлар рангбаранглиги ва уйғунлигини таъминлаш.
3. Ўз-ўзини назорат қилиш асосида ўз-ўзини баҳолаш.
4. Ижодий қобилиятни шакллантириш.
5. Кафолатли натижага эришиш.

**V.Ўқув мақсадлари ва вазифаларини рўёбга чиқарувчи феъллар:**

1. Мавзу бўйича дастлабки маълумотга эга бўлади. Асосий тушунчаларни хотирасида сақлайди.
2. Мавзунинг мазмунини ёзма баён этади. Оғзаки сўзлаб беради. Қайта ифодалайди.
3. Мавзунинг асосий тушунчаларини изоҳлайди,фарқини ажратади.

Эгаллаган билимларини татбиқ этади.

4. Мавзу мазмунини асосий саволларга бўлиб чиқади. Таҳлил қилади. Умумлаштиради.
5. Мавзу мазмунини бойитади. Тўлдиради янгилайди. Ўзгартиради. Ўз фикрига эга бўлади.

**VI. Методлар -** 1. Анъанавий: тушунтириш суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, ёзма ишларни бажариш.

2.Интерфаол: муз ёрар, кейс, занжир, 6 х 6 х 6 ва б.

**VII. Воситалар** – кўрсатмали материаллар, адабиётлар, алъбом, технологик харита, кодоскоп, компьютер ва ҳ-о.

**VII. Жиҳозлар** – екран, хонани ёритувчи ва қоранғи қилувчи мосламалар.

**IX. Таянч сўзлар** – таълим, мақсад, вазифа, қобилият, методлар, кафолатли натижа жадаллаштириш тўлиқ ўзлаштириш:

X.Режа ( асосий саволлар):

1.

2.

3.

4.

5.

**XI. Ўтилган мавзу билан янги мавзуни боғлаш.**

1.Интерфаол **методлар** асосида.( ақлий хужум , тармоқлар, чархпалак )

2.**Восита** – адабиётлар, компъютер ва ҳ.

3.Ҳамкорликда таълим.

4.Мунозара, муҳокама.

**XII**.**Янги дарснинг баёни юзасидан йўналиш бериш**.

1.Режанинг 1-саволини шарҳи.

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

Ўқитувчи томонидан ҳар бир савол юзасидан талабанинг ўзлаштириш даражасига мувофиқлаштирган ҳолда камида 5 босқичли муаммоли характердаги назорат топшириқлари тайёрланади. Ўқитувчи бошқарувчи, йўналтирувчи ва маслаҳат берувчи вазифани бажаради.

Назорат топшириқларининг **шакли**:

1.Оғзаки

2.Ёзма

3.Тест

4.Амалий

Назорат топшириқлари суст ўзлаштирувчи талабалардан бошлаб берилмоғи мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1 _____________________________ 10%гача ечимини топа олади

2 _____________________________ 20%гача ечимини топа олади

3 _____________________________ 30%гача ечимини топа олади

4 ____________________________ 50%гача ечимини топа олади

5 ____________________________ 70%гача ечимини топа олади

Назорат топшириқларининг бундай шакли ёки ўзлаштириш даражаларига мувофиқ берилиши **тўлиқ ўзлаштириш принципига эришишнинг** йўли ҳисобланади. Бунга таълимни жадаллаштириш (интенцификация) асосида эришилади.

Бу жараёнда талабанинг:

1.Билим, кўникма ва малакаларни қай даражада эгаллаётганлигига.

2.Мустақил фикр ривожига.

3.Фаол ҳаракат ва ташаббусга.

4.Адабиётлар, компьютер техникаси ва бошқа кўрсатмали воситалардан фойдалана олиш малакасига.

5.Маънавий-ахлоқий қиёфасига.

6.Мулоқатга кириша олиш маданиятига.

7.Қайтар алоқанинг самарадорлигига эътибор қаратилади.

8.Ўзлаштириш даражаси такомиллашиб боришига эришилади.

Режанинг кейинги саволлари ва уларнинг ечими ҳам шу тартибда ижодий ёндашувлар асосида давом эттирилади.

2

______________________

______________________

______________________

3

______________________

______________________

______________________

4

______________________

______________________

______________________

5

______________________

______________________

______________________

Охирида ўқитувчининг якуний хулосаси асосида талабалар рағбатлантирилади.

**XII**I.**Мустаҳкамлаш**

Талабалар томонидан берилиши мумкин бўлган саволлар:

1.

2.

3.

4.

5.

2.Тўлиқ ўзлаштириш принципига мувофиқ 5 босқичдан иборат бўлган муаммоли саволлар юзасидан

“Ўқитувчи-талаба”, “талаба-талаба” ўртасида савол-жавоб, баҳс-мунозара ўтказилади. Индуктив ва дедуктив хулосалар асосида талабаларнин**г** фаоллигига муносабат билдирилади.

**XIV. Сўраш ва баҳолаш**

1.**Шакли**: якка тртибда, микрогуруҳли, гуруҳли (ялпи).

2.Муаммоли вазиятлар муаммоли саволлар асосида яратилади.

3.Методлар-мавзунинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қўлланилади (савол-жавоб, интерфаол).

4.Ўқитувчи бошқарувчи, йўналтирувчи ва маслаҳат берувчи вазифани бажаради.

5.Талабаларни рағбатлантириш асосида ўқитувчи якуний хулоса чиқаради.

Талабаларни **ўзлаштириш даражасига** қуйидаги тартибда эътибор қаратилади:

**1-босқич учун**: Ўқув материалини идрок этилиши, ўқув-билув жараёнининг қайси жиҳатларида муаммоли савол ва муаммоли вазиятларга дуч келинаётганлиги, психик жараёнлар (сезги, идрок, хотира, тафаккур) уйғунлиги, диққатнинг кўлами асосида талабани мустақил фикрлай олишига асосий эътибор қаратилади. Шунга мос келувчи саволлар танланиб,талаба қизиқтирилади. Талабада ўз-ўзини таҳлил этиш кўникмалари шакллантирилади.

**2-босқич учун:** талаба бир мунча янги билим ва янги тушунчаларни англайди, тушунади, дастлабки хулосалар чиқара бошлайди. Ўз-ўзини таҳлил этиш жараёнида саралаш, тизимлаш кўникмалари шаклланади. Ўқитувчи томонидан тегишли назорат топшириқлари танланади.

**3-босқич учун:** талабада маълум даражада фаоллик, ташаббус, мустақил фикр ҳамда ўз-ўзини таҳлил ва тафтиш этиш кўникма-малакалари кўзга ташланади. Янги билимларни машқ, тест топшириқларини ечиш, амалий мисоллар келтириш, таҳлил, қиёслаш асосида хотирада сақлашга (олиб қолишга) интилиш, ҳаракат кўзга ташланади.

**4-босқич учун:** талаба фаол ҳаракат ва уринишлар асосида янги билимларни тезда ўзлаштира олади. Психик жараёни ва диққатида уйғунлик мавжуд. Олган билимларини амалга татбиқ эта олади. Ўз-ўзини таҳлил этиб, йўл қўйиган хато ва камчилликларини ислоҳ эта олиш кўникмаларига эга. Масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқара олади.

**5-босқич учун:** фаолликни ва баъзан лидерликни қўлдан бермасликка интилади. Мустақил фикрга эга. Ижодкор, нутқи равон ва мантиқли, муаммоли вазиятлар ечимини топа олади. Назорат топшириқларини қисқа фурсатда ечиб улгуради. Индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариш қобилиятига эга. Мавзуга (фанга) оид тушунчалар моҳиятини яхши билади. Ўз-ўзини назорат қилган

ҳолда, ўз-ўзини объектив баҳолай олади. Олган билим ва эгаллаган кўникма ва малакаларини амалга татбиқ этишда қийналмайди. Билимларни тўлдириш,бойитиш, янгилашга интилади. Эгаллаётган касбига бўлган муносабати яхши.

**XY. Вазифа**

5 босқичга мувофиқ мустақил иш топшириқлари берилади.

1.Мавзунинг мазмунини хотирада сақлаш,эсга тушириш, қайта ифодалаш.

2.Мавзунинг моҳиятини изоҳлаш, фарқлаш.

3.Татбиқ этиш, қўллаш, амалда бажариш.

4. Таҳлил қилиш, таркибий қисмларга ажратиш.

5. Умумлаштириш, хулосалар қилиш, тўлдириш.

Вазифа юзасидан назорат саволлари бериб кўрилади.

**XVI. Кафолатли натижа**

1.Дастлабки ахбортларга эга бўлиши.

2.Репродуктив даражадаги билимни намоён этиши.

3.Мустақил фикрнинг шаклланганлиги (ривожи).

4.Фаоллик, ижодий изланишга бўлган қизиқиш ҳамда муносабати.

5.Оғзаки ва ёзма нутқ маҳорати.

6.Маънавий-ахлоқий ҳамда касбий қиёфаси.

7.Эътиқоди.

8.Ижтимоийлашиш даражаси.

9.Эгаллаган билимларини амалда татбиқ этиб тегишли натижаларни қўлга киритиши.

10.Ижодий ўзлаштириш даражасини кўрсатиши.

**XVII.Ўқитувчи дарс жараёнидаги ўзининг ва ўқувчиларнинг фаолиятларини таҳлил қилади. Тегишли хулосалар чиқаради. Ўзгартириш ва тўлдиришлар киритишга ҳаракат қилади.**

**XVIII.Мавзуга оид адабиётлар ва қўшимча воситалар.**

1. Асосий адабиётлар

1.

2.

3.

2. Қўшимча адабиётлар

1.

2.

3.

3. Интернет адабиётлари

1.

2.

3.

4. Қўшимча воситалар

1.

2.

3.

2-илова

**ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ТАЛАБЛАРИ**

| | | |
|---|---|---|
| | 1. | Ў.И.Ш. |
| | 2. | Ўқитувчинингташқи кўриниши |
| | 3. | Кийиниш маданияти |
| | 4. | Мулоқат маданияти |
| | 5. | Нутқи |
| | 6. | Овози |
| | 7. | Талаффузи |
| | 8. | Мимик ҳаракатлари |
| | 9. | Пантомимик ҳаракатлари |
| | 10. | Қўл ва гавда ҳаракати уйғунлиги |
| | 11. | Ҳиссий-эмоционал барқарорлиги |
| | 12. | Ўқувчилар билан киришиб кета олиши |
| | 13. | Ўқувчи қалбига йўл топа олиши |
| | 14. | Ўқитувчи нутқининг хатти-ҳаракати билан уйғунлиги |
| | 15. | Педагогик техника маҳорати |
| | 16. | Хулосалар |
| | 17. | Таклифлар |

3-илова

**ДАРС ТАҲЛИЛИ**

(Сирдарё вилоят халқ таълими педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тавсияси)

№---------------------------1-------------------сана “--- “------------200—й

Туман (шаҳар) Гулистон мактаб №--------синф---------------------------

Ўқувчи сони------шундан қизлар-------фаннинг номи--------------------

Ўқитувчининг Ф.И.Ш.----------------------------------------------------------

Мутахассислиги----------------------------Педагогик фаолияти------------

Қачон, қаерда малака оширган-----------------------------------------------

ДАРС МАВЗУСИ: “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикояси

ДАРС ТИПИ: Гуруҳлараро баҳс-мунозара

ДАРС ШАКЛИ:---------------------------------------------------------------

ДАРС МАҚСАДИ: 1) ДТС талаблари асосида олиб борилди

2) Тарбиявий йўналишда олиб борилди

3)Ривожлантириш асосида олиб борилди

ДАРС ЖИҲОЗИ: Плакатлар, карточкалар, тестлар,саволнома

---

Дарсни таҳлил қилувчининг мақсади: Услубий таҳлил

Дарснинг бориши

Ташкилий қисм

Ўқитувчи ўқувчиларни дарс режаси билан таништирди. Ўқувчилар гуруҳларга бўлинди. 4 та гуруҳ номланган.

Дастлабки ҳар бир гуруҳ ўз ишлари билан таништирди. Сўнгра ўтилган мавзу бўйича саволларга жавоблар тингланди. Ўтилган мавзу Э. Воҳидовнинг “Нидо” шеъри. Ҳар бир гуруҳ шоирнинг таржима ҳолига тўхталиб ўтди. “Нидо” шеърининг мазмунига тўхталди.

Шундан сўнг ўқитувчи ўтилган мавзуга якун ясаб, янги мавзуни бошлади. Янги мавзу Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикояси. Ҳар бир гуруҳ дастлаб ёзувчининг қисқача ҳаёт йўли ҳақида ўз билганларини сўзлаб берди. Сўнгра асар таҳлилига киришилди. Доскада берилган саволлар бўйича

гуруҳлар ўз фикрларини билдирди. Фикрлар қизиқарли тус олди.Гуруҳлар ўзаро баҳсга киришди.Баъзан фикрлар хилма-хиллиги ҳам бўлди.Ҳар бир асар қаҳрамонига тавсиф берилди. Ўқувчилар уруш ҳақида, унинг ёмон жиҳати, зарари, оқибати ҳақида гапириб беришди. Асар воқеаларини ҳозирги давр билан боғлади. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлари тингланди. Дарс давомида кичик тестлар тарқатилди. Тестлар бажарилгач, баҳоланди. Ўқитувчи дарс сўнгида мавзуга ва дарсга якун ясади.

Дарс сўнггида гуруҳлар ва ўқувчилар баҳоланди, рағбатлантирилди. Уйга вазифа берилди.

---

Дарснинг ютуқлари: Дарсда интерфаол усуллардан етарли фойдаланилди.

Дарснинг камчиликлари: сезилмади

Таклиф ва хулосалар:

1. “Нидо” шеърини ифодали ёд айттириш лозим.
2. Вақтни тақсимлашга эътибор бериш зарур.
3. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантириб бориш.
4. Ўқитувчи дарсдан кутилган мақсадга эришди.

Дарсни таҳлил қилди: Жўраев. А.

Дарсни ўтиб кўрсатди:-----------------------------------------------------

---

4-илова

**Дарсни график усулда таҳлил қилиш намунаси**

<table>
<tr><th rowspan="2">Дарс мазмуни</th><th colspan="4">баллар</th><th rowspan="2">Методик тавсия</th><th rowspan="2">Дарснинг ўзига хос шакллари</th></tr>
<tr><th>2</th><th>3</th><th>4</th><th>5</th></tr>
<tr><td>Ташкил қилиниши</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Санитария-гигиена ҳолати</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Назорат ва билимнинг ҳисобга олиниши</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Янги материаллар билан ишлаш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ўзлаштириш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Дарслик ва дафтар билан ишлаш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Кўргазмадан фойдаланиш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ўқувчиларнинг фаоллиги</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Иқтидорли ва паст ўзлаштирувчилар билан ишлаш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ўқувчиларнинг мустақил ишлари</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Вақтдан унумли фойдалана олиш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Дарсни мустаҳкамлаш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Рағбатлантириш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Янги педагогик технология турлари</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Уй ишини сўраш</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ўқитувчи ва ўқувчи нутқи</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Дарсда психологик дўстона муҳит</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Дарс жараёнида тарбия берилиши</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ўқитувчининг баҳолаши</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Жамғарма</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Сана, синф, мактаб</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Ўқитувчининг исми ва фамилияси</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Фани</td><td colspan="4"></td><td></td><td></td></tr>
</table>

| | | | |
|---|---|---|---|
| Дарс мавзуси | | | |
| Хона ҳолати | | | |
| Дарс шакли | | | |
| Якуний хулоса | | | |

Қуйида бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлашда ўз-ўзини назорат қилиш методларидан фойдаланишга Ж.О.Толипова Низомий номидаги ТДПУ доценти, Г.М.Умарова тавсияларидан мисол келтирамиз.

Талабаларнинг педагогик фаолиятига тайёргарлигини ўз-ўзини назорат қилиш усули билан аниқлаш, таҳсил олувчиларни ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини таҳлил қилишга, бу борадаги камчиликларга барҳам беришга тайёргарлик даражасини орттиришга бўлган эҳтиёжи ва қизиқишини ривожлантиради. Шуни қайд этиш керакки, мазкур усул талабаларнинг педагогик мотивларининг юксак даражага кўтарилишига замин тайёрлайди.

Биология ўқитувчисининг педагогик лаёқати бўйича ўз-ўзини таҳлил қилиш варақаси

| № | Шахсий сифат ва фазилатлари | Юқори | Ўрта | Кам | Йўқ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Юмшоқ кўнгиллик | | | | |
| 2. | Одамохунлик | | | | |
| 3. | Инсонпарварлик | | | | |
| 4. | Зиёлилик | | | | |
| 5. | Мулоқат ва кийиниш маданияти | | | | |
| 6. | Изланувчанлик | | | | |
| 7. | Қаттиққўллик | | | | |
| 8. | Талабчанлик | | | | |
| 9. | Вазминлик | | | | |
| 10. | Камтаринлик | | | | |
| 11. | Самимийлик | | | | |
| 12. | Сезгирлик | | | | |
| 13. | Ростгўйлик | | | | |
| 14. | Ўзгаларнинг ишончини оқлаш | | | | |

5-илова

**Дарсларни кузатиш**

| | | |
|---|---|---|
| Алимова С. | 1. | Ў.И.Ш. |
| | 2. | Таҳлил куни |
| 3 | 3. | Нечанчи соатда |
| 4 | 4. | Синф |
| 24 | 5. | Ўқувчилар сони |
| 98% | 6. | Давомат |
| Математика | 7. | Фан |
| | 8. | Мавзу |
| 1 | 9. | Ажратилган соат |
| бор | 10. | Дастур |
| бор | 11. | Дарс конспекти |
| бор | 12. | Синф журнали |
| Талаб даражасида эмас | 13. | Кўрсатмалилик |
| Директор, методист, ўқитувчи | 14. | Дарс кузатувчилар |
| Қўлланилди | 15. | Интерфаол методлар |
| Фаол | 16. | Ўқитувчининг фаоллиги |
| Қўйилган мақсадга эришилмади | 17. | Хулосалар |
| Ўқитувчи ўз устида ишлаши лозим | 18. | Тавсиялар |
| Дарс кузатуви дарс таҳлилида тўлиқ баён қилинади | 19. | Изоҳ |